

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИ
МОНИТОРИНГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК
МЕХАНИЗМЛАРИ**

Хўжаев Алижон Атабекович,

*Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бўлим бошлиғи, п.ф.ф.д. (PhD),
доцент*

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ПОВЫШЕНИЯ МОНИТОРИНГА
КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ В ВЫСШЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ
УЧРЕЖДЕНИЯХ**

Худжаев Алижон Атабекович,

*Начальник отдела Министерства высшего образования, науки и инноваций,
д.ф.п.н. (PhD), доцент*

**PEDAGOGICAL MECHANISMS OF IMPROVING EDUCATION
QUALITY MONITORING IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS**

Khudjayev Alijon Atabekovich,

*Head of department in the Ministry of higher education, science and innovations,
PhD in pedagogical sciences, asso.prof.*

Аннотация. Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида ўқитиши самарадорлиги ва таълим сифатини ошириши, таълим жараёнини бошқариши механизмлари хусусида фикр юритилади. Таълим сифатининг мониторинги ва унинг самарали бошқарилиши, ўқув-тарбия жараёнига инновацияларни жалб қилиши масалалари кўриб чиқилган. Таълим тизимидаги ислохотларда замонавий ахборот технологияларининг аҳамияти таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: олий таълим тизими, таълим сифати, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, таълим сифати мониторинги, таълим сифати регистри.

Резюме. В данной статье обсуждаются механизмы повышения эффективности и качества образования в высших учебных заведениях, управления образовательным процессом. Рассмотрены вопросы мониторинга качества образования и эффективного управления им, привлечения инноваций в образовательный процесс. Анализируется значение современных информационных технологий в реформировании системы образования.

Ключевые слова: система высшего образования, качество образования, государственные образовательные стандарты, образовательные программы, мониторинг качества образования, регистр качества образования.

Abstract. In the following article the mechanisms for improving the effectiveness and quality of education in higher education institutions, as well as mechanisms for managing the educational process are discussed. The issues of monitoring the quality of education and its effective management, involving innovations in the educational process were considered. The importance of modern information technologies in educational system reforms is analyzed.

Key words: system of higher education, education quality, state education standards, education programs, education quality monitoring, education quality register.

Кириш. Таълим сифати мониторингини бошқаришдаги мавжуд тизимни жорий, қисман, хусусий, умумий ва изчил такомиллаштириш асосида амалга ошириш мумкин. Таълим сифати мониторинги ва уни самарали бошқариш учун ривожланишнинг объектив тенденциялари, аниқроғи, таълимни

ривожлантиришнинг мунтазамлигини билиш керак. Бугунги кунда таълим сифати мониторингини бошқаришнинг асосий омили – таълим бошқарувини такомиллаштириш, замонавий таълимнинг барча ижобий фазилатлари билан изчил ислохот қилишдир. Таълимни ислох қилишнинг асосий мақсади унинг сифатини оширишдан иборат. Ислохотга ёндашувлар турлича бўлиши мумкин. Таълим сифатини яхшилашга олиб келадиган ўзгаришларни амалга ошириш ёки, ҳеч бўлмаганда, унинг жадал ривожланиши учун қулай шарт-шароити яратиш лозим. Таълимга бўлган эҳтиёжларнинг ўзгариши ва уларни татбиқ этиш учун шароит яратиш таълим сифатига кўпроқ эътибор қаратишни талаб қилади. Мантиқий тузилишни белгилайдиган таълим сифатини тушуниш, бу ёндашув замонавий ижтимоий ривожланишдаги таълимнинг ролини баҳолаш ва таҳлил қилиш ҳамда асослашнинг бошланғич нуқтасидир.

Асосий қисм. Ўқитиш ва тарбиялаш жараёни турли тарихий даврларда вақт ҳамда ижтимоий муносабатлар даражасига мос тарзда турли шакл ўзгаришларига учраган, бироқ таълимни такомиллаштириш йўллари ҳақидаги масала ҳамма вақт долзарб бўлиб қолаверган.

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш масаласига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор берилётгани олий таълим соҳасидаги ислохотларнинг янги сифат босқичига кўтарилишидан далолат бермоқда.

Шу билан бирга ҳозирги замон олий таълим тизими олдида турган долзарб масалалардан бири ўқув жараёнини бошқариш орқали таълим сифатини ошириш эканлиги эътироф этилди. Таълим сифати илмий тадқиқот объекти сифатида дунёнинг ривожланган давлатларида кенг ўрганилган ва жорий этилган. Таълим муассасаларида ўқув жараёнида таълим сифатига эътибор сусаймаган бўлса-да, тизим сифатида энди шаклланмоқда.

Юксак замонавий ривожланиш йўлига ўтиш миқёсида муҳим аҳамиятга эга энг муҳим омил фақат техник ғояларни ишлаб чиқариш эмас, балки ички ва ташқи бозорларга харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, уни амалга ошириш учун илмий - техник соҳа ва юксак технологияларни ишлаб чиқарувчи малакали мутахассисларини илғор таълим муассасаларида ўқитишнинг лозимлигидир.

Ўқув режаларига янги фанларнинг киритилиши ўқитиш технологиясини ташкил қилишнинг янги шакллари қўллашни тақозо қилади. Бу ҳолатда педагогик билимнинг аҳамияти ортади. Шу боисдан ҳам, ўқитувчиларнинг замонавий технологияларни ўрганиш ва қўллашга бўлган муносабатини ўзгартириш зарурдир.

Бугунги кун ўқитувчилари таълим жараёнида қўллашлари мумкин бўлган замонавий инновацион услублар, ахборотлар базасига етарлича эгадирлар. Бунинг учун замонавий компьютер ва бошқа ахборот коммуникацион технологияларини, электрон дарсликлар, видеоматериаллар, фотоматериалларни, интернетдан етарлича фойдалана олишга ўзини ўргатиши зарурдир. Буларнинг ҳаммаси педагогик изланувчилик фаолиятини таъминлайди [1].

Профессор-ўқитувчилар турли хил замонавий педагогик технологияларни қўллаши мумкин. Масалан, фаол ўқитишнинг имитацион усуллари, лойиҳалар усули, ўқитишда ҳамкорлик, креатив ўқитиш, маъруза-пресс-конференция, муаммоли ва ўйинли технология, жамоавий ва гуруҳли фаолият технологияси, турли ҳолатларни таҳлил қилиш усули, маъруза-суҳбат, визуал маъруза ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўқув-услубий жараёнда замонавий фаолият – педагогнинг ўз касбини такомиллаштиришдаги мавжуд шакл ва воситаларни эгаллашга ижодий ёндашувини назарда тутати. Таълим менежментидаги инновациялар ва замонавий педагогик фаолият ҳақида барқарор ҳамда ҳаммага маъқул бўлган илмий тасаввурлар ва таснифларни янада такомиллаштириш зарурлигини эътироф этиш лозим. Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири таълимга йўналтирилган илмий билимлар

тизимлари ўргасидаги қийинчилик билан енгиб ўтиладиган узилишлардир. Ўқитувчи замонавий фаолиятнинг субъекти ва ташкилотчиси сифатида янгиликни яратиш, қўллаш ҳамда оммалаштиришда иштирок этади. У фандаги билим, анъаналардаги ўзгаришлар мазмунини ва моҳиятини таҳлил эта билиши керак.

Таълим жараёнининг «замонавий» технологиялари талабани нафақат ижтимоий, касбий билимлар билан таъминлайди, балки унда касбига хос сифатлар шаклланишига ҳам ёрдам беради. Таълим жараёнининг технологияси куйидаги асосий мақсадларга эришишга хизмат қилади:

- давлат манфаатларига мос ҳолда, талабани бўлажак мутахассис сифатида тайёрлайди;

- талабани жамият аъзоси сифатида шакллантириб, ижтимоий тажриба, кадриятларни, меъёрларни англаган жамият манфаатлари билан ҳамоҳанг фаолият кўрсатувчи кадрни тайёрлайди;

- талабани фаол, ташаббускор, креатив фикрлашга қодир шахс сифатида ривожлантиради.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, профессор-ўқитувчиларнинг замонавий фаолиятга тайёрлигининг муҳим ижтимоий ва касбий сифатлари, нафақат таълим муассасасидаги иқтисодий ва молиявий вазиятга, балки бевосита бу сифатларнинг талаб этилганлиги билан ҳам боғлиқдир. Замонавий олий таълимнинг асосий реал талабларидан бири ўқитувчиларнинг касбий сифатлари ва етарлича малакага эга бўлишидир. Шу жиҳатдан кадрлар масаласи ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки «Кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъй-ҳаракатларимиз кутилган натижаларни бермайди, хаётимиз, маънавиятимиз эса ўзгариши қийин бўлади» [2].

Олий таълим муассасалари факультетларида профессор-ўқитувчилар ёш ўқитувчиларга таълим бериш сирларини ўргатиши, ўқитиш услубларини қўллаш бўйича маслаҳатлар бериши, интерактив ўқитиш усулларини намоён қилиши зарур.

Натижада ўқитувчилар куйидагиларга эришадилар:

- ўз фаолиятларини баҳолашнинг янги усулларини топиш, касбга бўлган қарашни ўзгартириш;

- педагогик ва ижодий қобилиятларини намоён этиш;

- ўқитувчиларда касбий масъулият ва фидойиликни ривожлантиради.

Шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кун нафақат юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ёшларни, балки миллий уйғониш ва умумбашарий кадриятларни идрок этиш мафкураси асосида, ватанга меҳр-муҳаббат, мустақиллик идеалларига садоқат руҳида таълим олган ва тарбияланган мутахассисларни тайёрлашни тақозо этади.

Ҳозирги вақтда деярли кўпчилик олий таълим муассасаларида уларнинг ўзлари томонидан кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини бошқариш, уни такомиллаштиришга бўлган интилиш объектив заруратга айланиб қолмоқда. Бундай интилиш ОТМларида сифат менежменти тизимини жорий қилиш масаласига олиб келди.

Сифатни умумий бошқариш тамойилларини ҳар бир ОТМ ўзининг шарт-шароитлари ва хусусиятларига мослаштирган ҳолда жорий этиши зарурдир. Бу ўта муҳим саналадиган масаладир, чунки хорижда оммалашган сифат менежменти анъаналарини ўзига хослигини, кўп йиллар давомида яратилган ижтимоий-маданий муҳитнинг йўқолишига олиб келмаслиги керак.

Олий таълим тизимида сифат менежменти тизимини жорий қилиш борасида таълим хизматлари сифатини назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш учун замин ҳозирланди.

Олий таълим муассасалари фаолиятида сифат менежментини жорий этиш борасида мазкур йўналишда ҳозирги кунларгача шаклланган хорижий тажрибаларни ўрганиб, уларнинг илғор ғояларини татбиқ этган ҳолда мамлакат

олий таълим тизимининг сифат менежментини шакллантириш муҳим масаладир [3].

Таълим муассасалари сифат менежменти тизимларининг таҳлили уларни иккита гуруҳга ажратиш имкон беради:

1. Тегишли ташкилотларнинг фаол таъсирида фаолият олиб боровчи ва улар томонидан баҳолашга аҳамият берувчи таълим муассасаси сифат менежменти тизими ҳолати устидан давлат назорати механизмини лицензиялаш, аккредитациялаш, рейтингларни тузиш, молия ресурсларини тақсимлаш орқали жорий қилинади. Бунга ўхшаш сифат менежменти тизими кўпгина Европа (Франция, Германия) ва Скандинавия (Швеция) давлатлари учун хосдир.

2. Анъанавий давлат бошқаруви идоралари мавжуд бўлмаган шароитларда фаолият юритувчи таълим муассасалари сифат менежменти тизими, бу уларнинг шаклланишида ўзини-ўзи баҳолашнинг ўрни ва аҳамиятини кучайтиришни кўзда тутди (АҚШ, Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари). Сифат менежменти тизимининг ушбу гуруҳи учун хос ёндашишларнинг ўрни ва аҳамияти дунё таълим ҳамжамиятида тобора кучайиб бормоқда.

Таълим фаолияти сифатини бошқаришнинг амалдаги ёндашувлар ва амалиётининг таҳлили шунини кўрсатадики, таълим муассасаларини, ўз мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган давлат таълим стандартларини бажаришга, ўқитиш жараёнини ташкиллаштиришга қўйилган расмий талабларнинг назорати ва ўқувчиларнинг шаҳодатланиши асосида таълим бериш сифатини баҳолашга кўпроқ йўналган.

Олий таълим муассасаларининг сифат менежменти тизимини жорий қилиш объектлари сифатидаги асосий ўзига хос хусусиятлари қаторига бошқаришнинг учта даражасини – университет, факультет, кафедранинг тармоқланган ташкилий тузилмаси мавжудлигини; таъминотчилар ва ички истеъмолчиларнинг кўп сонли миқдори, олий таълим муассасалари ички ҳужжатларининг кўп миқдордалигини киритишимиз мумкин. Таълим жараёнининг субъектлари сифатида истеъмолчилар (абитуриентлар, талабалар, ота-оналар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари); олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бандлик хизматлари, оммавий ахборот воситалари, ўрта махсус ўқув муассасалари; олий таълим муассасаси ходимлари қаралади [4, 70].

Олий таълим муассасаси сифат менежменти тизимини истеъмолчиларининг талабларига жавоб берувчи таълим хизматларини тақдим қилиш жараёнига йўналтирилиши керак. Таълим хизматларини кўрсатиш билан шуғулланувчи ташкилотлар бир-биридан фарқ қилувчи бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, улар моддий маҳсулот ишлаб чиқармайди аксинча, таълим муассасаси ходимларининг кўп қисми ташқи истеъмолчи билан бевосита алоқада бўлади, хизмат кўрсатиш жараёнида истеъмолчи академик даража, касбий билим, ходимларнинг кўникмаларини қабул қилади ва баҳолайди, хизматларни кўрсатиш чегаралари эса турлича бўлиб, стандарт таълим дастури ёки ўқув режаси асосида кўрсатилиши, алоҳида ҳолларда таълим муассасаси ва истеъмолчи (корпоратив ёки хусусий) ўртасидаги келишув асосида кўрсатилади [5, 12].

Бу шароитларда оралик ва якуний натижаларни олиш ҳамда баҳолаш босқичлари аниқланиши керак. Бу умумий тавсифлар хизмат кўрсатиш жараёнининг ишлаб чиқариш жараёнидан принципиал фарқини билдиради ва таълим хизматлари соҳаси учун сифатни бошқариш тизимини махсус талқин қилишга олиб келади. Хорижий мутахассисларнинг фикрича, чет эл таълим муассасаларининг ўз сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сертификатлаш учун муайян вақт ҳамда катта маблағ сарфлаши бежиз эмас [6, 22]. Чунки бу билан обрўли хорижий иқтисодий секторлари учун юқори рақобатбардош малакали ходимларни етказиб бериш ҳажмини ошириш билан улар ҳам яхшигина маблағларга эга бўладилар, ҳам ўз фаолияти самарадорлигини таъминлайдилар. Сифат менежменти чора-

тадбирлари учун харажатларни тақсимлаш ҳисобидан камчиликларни аниқлаш ва тузатиш учун сарфланадиган харажат улуши, камчиликлар ҳамда номувофиклик сабабли олий таълим муассасалари фаолиятида юзага келадиган ташқи ва ички хатарлар камайиши исботланган. Бунинг натижасида умумий сарфланадиган маблағ камаяди ва кўшимча даромад олиш имконияти пайдо бўлади.

Халқаро стандартлар бўйича сифат менежменти тизimini ташкил этиш, жорий этиш ва сертификатлаш олий таълим муассасалари учун ҳам халқаро илмий-тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш борасидаги халқаро шартномалар тузишда муҳим аҳамиятга эга. У олий таълим муассасасининг тендерлар, танловлар ҳамда бошқа шу каби тадбирларда иштирок этиши учун йўл очиб беради.

Натижада бу таълим муассасаси учун шартнома тузиш имконини бериши ва реклама сифатида хизмат қилиши мумкин. Сифат менежменти тизими илмий-тадқиқотчилик, нашриёт-матбаа ва ўқув-тарбия фаолиятини амалга ошириш бўйича йирик давлат буюртмалари, имтиёзли кредитлар ва суғурта турларига эга бўлиш имкониятини оширади.

Маҳсулот сифатининг умумқабул қилинган талқинига мувофик, «хизмат» тушунчаси «маҳсулот» тушунчаси таркибига тўлиқ ҳуқуқда киритилади. Бирок бу соҳадаги сифатни баҳолашда амалдаги ёндашишлар ва таълим муассасалари фаолияти сифатига тизимли ёндашишни кўзда тутмайди. Бу вазиятда ишда таълим муассасаси, алоҳида истеъмолчиларнинг эҳтиёжларигача аниқлаштирилган жамоат талабларини қаноатлантириш занжиридаги муҳим бўғин ҳисобланадиган тизимли ёндашиш тамойилларини қўллаш асосида ушбу вазифанинг ечими таклиф қилинади.

Тадқиқот доирасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

Олий таълим муассасаларида таълим сифати мониторингини ташкил этиш ўқув жараёнлари сифатининг кўрсаткичлари мониторингини юритиш, яъни педагог кадрларнинг касбий фаолияти ҳолатини аниқлаштириш ва таълим жараёнларни самарали ташкил этиш ҳамда бошқаришга хизмат қилади.

Таълим сифати мониторингини ташхис қилиш, амалдаги давлат таълим стандартлари, малака талабалари, ўқув режа ва ўқув фан дастурларини хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари тажрибалари асосида фанлар сонини оптималлаштириш ҳамда барча жабҳаларда битирувчиларнинг ютуқларини доимий баҳолаш, олий таълим муассасаларида таълим сифатига берилаётган эътибор, таълим беришда сифат ва мазмун жиҳатдан юқори савияда шароит яратиш имконини яратди.

Хулоса. Педагогик ташхис, билим, кўникма ва малакаларининг шаклланиш даражасини аниқлаш, назорат қилиш, баҳолаш, йиғиш ва статистик маълумотлар таҳлилини ҳамда келгусида бу жараён ривожини башорат қилишни ўз ичига олади. Талабаларнинг билими, профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти, улар томонидан яратилган ўқув адабиётлари, касбий фаолияти таҳлили, улар томонидан эришилган кўрсаткичларнинг даражаси сифатида қайд этилишини эътиборга олсак, унда педагогик ташхиснинг мақсади, таълим жараёни боришини таҳлили ва уни баҳолашни ўз вақтида аниқланишидан иборат бўлади.

Шу нуқтаи назардан олий таълим муассасасида таълим сифати мониторинги талабаларнинг билими, профессор-ўқитувчиларнинг малака ва кўникмаларини баҳолаш, айниқса, таълим сифати индикаторларини назорат қилишнинг электрон тизими самарадорлигини ошириш мақсадида тинимсиз изланишлар ва такомиллаштириш ишларини олиб боришни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари



тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 515-сон қарори.

4. Маслова Л.Д. О системах оценки качества высшего образования / Л.Д.Маслова // Международный научно-исследовательский журнал. -2012. - №3 (3). - С. 64-69.

5. Звонников В.И. Контроль качества обучения при аттестации: Компетентностный подход. /В.И.Звонников,М.Б.Чельшкова. –М.: Университетская книга; Логос, 2009. – 272 с.

6. Финляндия, Швеция и США [Электронный ресурс] – Электрон. дан. – М.: 2009. http://www.pssw.vspu.ru/other/science/publications/klicheva_merkulova/chaper1_quality.htm.

7. Болонская декларация. Зона европейского высшего образования. Совместное заявление европейских министров образования. г.Болонья, 19 июня 1999 года.

8. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари //Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири Л.Саидова. –Т.: Адолат, 2004, -Б. 19-62.

9. Горленко О. А. Менеджмент качества: анализ основных определений // Методы менеджмента качества. 2004. № 12. С. 34-36.

10. Р.А.Файзиев. Ш.Р.Файзиев. Олий таълим сифати ва самарадорлигини оширишда автоматлаштирилган таълим ва мониторинг тизимининг имкониятлари ва афзалликлари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. №4. 2015. www.iqtisodiyot.uz